



ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Қозоғистон Марказий сайлов комиссияси 10 январь куни ўтган ҚР Парламенти Мажлиси депутатлари сайловларида учта сиёсий партиянинг мандатларини эълон қилди. Улар Парламентдан ўрин эгаллаш учун зарур бўлган, камида 7 фоиз овоз тўплаш талабини бажаришиди, дея хабар беради МСК.

Парламент Мажилисига Nur Otan партияси 76та, Қозоғистоннинг «Ақ жол» демократик партияси 12та, «Қозоғистон Халқ партияси» 10та мандатга эга бўлди. Сайлов натижаларига кўра, «Қозоғистон Халқ партияси» 9,10 фоиз, Nur Otan партияси 71,09 фоиз, «Ауыл» халқ-демократик ватанпарварлик партияси 5,29 фоиз, Қозоғистоннинг «Ақ жол» демократик партияси 10,95 фоиз, «ADAL» сиёсий партияси 3, 57 фоиз овоз олди.

Nur Otan партиясидан Парламент Мажлисига сайланган депутатлар рўйхати эълон қилинди.

«Егемен Қазақстан».



РАҶАМЛАШАЁТГАН ҚОЗОҒИСТОН

ЎТГАН ЙИЛИ ҚОЗОҒИСТОНДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ 90 ФОИЗИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛГА ЎТКАЗИЛДИ

Давлат хизматларини рақамлаштириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биро бўлиб, жадал амалга оширилмоқда. Қозоғистоннинг Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги давлат хизматларини электрон шаклда олиш тўғрисида гап юритди.

Давлат хизматлари бўйича идораларро комиссия йиғилишларида давлат хизматларини қулай услуга кўчириш ва автоматлаштириш масалаларни батафсил кўриб чиқилди. Унинг таклифларига мувофиқ 556ta давлат хизматлари кўрсатиш учун йўй харитаси тасдиқланди. 189ta давлат хизматининг бизнес жараёнлари мақбулаштирилди, ўртача ҳисобда талаб қилинадиган ҳужжатлар сони 30 фоизга (бдан 4гача) ва уларни тақдим этиш муддати 3 бараварга қисқартирилди. Бугунги кунда энг оммабол, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини қайта кўриб чикиш тадбирлари юритилмоқда. Бундан ташқари, 120 рақамли давлат хизматларидан фойдаланиш соддалаштирилди, улар электрон рақамли имзосиз бир марталик пароллар орқали амалга оширилади. Вазирлик маълумотларига кўра, ўтган йил охиригача давлат хизматларининг 90 фоизи электрон шаклга ўтказилди. 2022 йилда бу кўрсатични 93 фоизга етказиш режалаштирилган.

«Егемен Қазақстан».

ТУРКИСТОНДА
УЙ-ЖОЙ
ҚУРИЛИШИ
2,5 БАРАВАРГА
ОШДИ

2



КАРАНТИННИНГ
ЗАРАРИ, ҲАМ
ФОЙДАСИ
БОРМИ?

5



БАРАКА
ҲАДЯ
ЭТГАН
КИМ?

6



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 14 январь, пайшанба. №4 (2909).

РАҒБАТ МУВАФФАҚИЯТГА УНДАЙДИ



ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ БИЗНЕС СОҲАСИДА ПЕШҚАДАМ

Бу «Word Bank» таҳлилчилари хуносаси. Унга кўра, Қозоғистон 190 давлат ичидаги 25-уринни эгаллаган. Тадбиркорлик фаоллиги бўйича юритилган суб-рейтингга кўра, Туркестон вилояти бизнес юритиш учун энг қулай минтақа деб эътироф этилди.

Ушбу рейтингда Қозоғистон 10та мезон бўйича баҳоланади. Минтақаларга ишибилармонлик муҳити, инфратузилма, молиянинг ҳаммаболлиги, одам капитали ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг шаффоффлиги каби 5ta омил бўйича баҳо берилади.

– Чунончи, вилоят ҳокими Үмирзақ Шукевнинг бизнес муҳитини яхшилаш бора-сидаги топшириклирага кўра, минтақада

кўламдор ишлар олиб борилиб, Туркестон вилояти юқори кўрсаткичига эга бўлмоқда. Бу бизнес соҳасини яхшилаш доирасида фаолият юритаётган ҳар бир фуқаронинг, шунингдек, мамлакат маҳсулотини чиқарив, аҳолини иш билан таъминлаётган ҳар бир тадбиркорнинг ютуғи эканини айтиш мумхин.

(Давоми 2-бетда). ►

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Хукумат мажлисига тегишли вазирлар, давлат кўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

– 2020 йилда Қозоғистон маҳсулотларининг умумий истеъмолдаги улуши 4,7 фоиз ўсади, – деди мажлисига сўз олган ҚР Миллий иқтисодиёт вазири Руслан Даленов.

– Иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Саноатнинг умумий ҳажмидаги қайта ишлашнинг улуши 9,4 фоиз ошиди. Яъни 2019 йилда 39,4 фоиздан 2020 йилда 48,8 фоизгacha кўтарилди. Енгил саноат, автомобилсозлик ва тайёр металл маҳсулотларида иккى баравар ўсиш кузатилди. Қайта ишланган ва тайёр маҳсулотлар экспорти ошиди, – деди вазир.

Вазирнинг таъкидлашича, 2020 йилда ишлаб чиқарышнинг ўсиши туфайли Қозоғистон товарларининг умумий истеъмолдаги улуши 4,7 фоизга юксалди.

– Электрон тижорат улуши 6 фоизга ўсади, нақд пул сиз тўловлар ҳажми иккى баравар ошиди ва кончиликни ҳисобга олмагандага сармоялар 14,8 фоизга ўсади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасидир, – деди Руслан Даленов.

2020 йилда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси 5,6 фоизга ўсади. Бу хақда ҚР Миллий иқтисодиёт вазири Руслан Даленов Ҳукумат мажлисига маълум қилди.

2020 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ЮКСАЛДИ

– 2020 йилда қишлоқ ҳўжалиги 5,6 фоиз ўсади. Бу озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилади. Деҳқончилик 7,8 фоизга, чорвачилик 3 фоизга юксалди, – деди у. Вазирнинг сўзларига кўра, қишлоқ ҳўжалиги тараққиётининг ижобий динамикаси 13 минтақада кузатилмоқда. Бугунги мажлиснинг вазифаси эса юқорида тилга олинган масалаларни ҳал этишдаги асосий йўналишларни белгилаш, бу борадаги тўсиқларни аниқлаш, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш бўйича хорижий давлатларда, ўзимизда тўплланган тажрибаларни ўрганиб, муайян хуносалар чиқаришдан иборатдир. Президентимиз жорий йилги Мактубида таъкидлаганидек, қишлоқда ислоҳотларни янги босқичга кўтармас эканмиз, бошқа соҳаларда ҳам бу масалани ҳал этиш қийин кечади. Чунки, қишлоқ ҳўжалигидаги ўзгариш – бутун ҳаётимизни ўзгартиради.

Шунинг учун деҳқонларга давлат ёрдами узлусиз бериб келинмоқда. Чунки қишлоқ ҳўжалиги ҳеч бир мамлакатда давлат қўмагисиз ривожлана олмайди. Биз бу борада деҳқонлардан ёрдамимизни аямаймиз.

Primeminister.kz

Туркистан шаҳрида уй-жой қурилиш суръати 2019 йилга нисбатан, 2,5 баравар ошди. Маъмурӣ-ишбилиармонлик марказида 89та кўп қаватли уй бюджет ҳисобидан қад ростламоқда. Яқин келажакда олти мингга яқин оила ўз бошпанасига эга бўлади.

ТУРКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ 2,5 БАРАВАРГА ОШДИ

Минтақа раҳбари Ў. Шўкеев раислигига ўтган девон мажлисида Туркистан шаҳри тараққиети ҳақида вилоят марказининг ҳокими Р. Аюпов маъруза қилди.

Ўтган йили пандемия таъсирига қарамай, Туркистанда бунёдкорлик ишлари бир зум тўхтамади. Йил натижалари бўйича 336ta хонали 7 қаватли еттита уйда қурилиш-пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, қабул қилиб олинди. Барча хонадонлар “Уй-жой қурилиш жамғарма банки” орқали фойдаланишга берилади.

Декабрь ойида эса 7 қаватли 5ta уй фойдаланишга топширилди.

Жадвалга мувофиқ, 12ta кўп қаватли уй жорий йилнинг апрель ойида тўлиқ битади. Бу ишларга 500га яқин ишчи, 8ta техника сафарбар қилинган. Маъмурӣ-ишбилиармонлик марказида қолган 77ta уйнинг қурилиши 2021 йилда битади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ НАТИЖАЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

2021 йил 10 январь куни Қозогистон Республикасида ҚР Парламенти Мажлиси ва барча даражадаги маслаҳатлар депутатларининг сайлови ўтиб, натижалар чиқарилди.

Шу муносабат билан Туркистан вилоят сайлов комиссиясининг раиси А. Ўмиралиев сайлов натижаларига бағишинланган матбуот анжумани ўтказди.

– Аввалинбор, барча фуқароларни юртимиз учун мухим бўлган сиёсий жараён қонун талабларига мос равишда ўтказилгани билан қутлайман, – деди Алибек Каденули. – Вилоятдаги сайловчилар рўйхатда 1163196 кишини ташкил этган бўлса, 763454 фуқаро сайлов участкаларига бориб, ўз конституциявий бурчларини адо этди. Бу сайловда бешта сиёсий партия («Қозогистон Халқ партияси», Nur Otan, «Ауыл», «Ақ жол», «Адал») вакиллари қатнашиб, уларнинг партиявий рўйхатлари асосида маслаҳат депутатлари сайловига жами 833 номзод қатнашиди.

Вилоят, туман ва шаҳар бўйича мандатларнинг тақсимоти қўйидагича бўлди:

вилоят маслаҳатига – 45 мандат, шаҳар маслаҳатларига – 47 мандат, туман маслаҳатларига – 228 мандат.

Сиёсий партиялар орасида барча маслаҳатларга депутатлик мандатлари қўйидагича тақсимланди:

«Қозогистон Халқ партияси»га – 1 мандат, Nur Otanга – 263, «Ауыл» – 32, «Ақ жол» – 24. «Адал» мандат ололмади.

Ўртача бир мандатга 2,5 номзоддан тўғри келди.

13 январь куни овоз бериш натижалари билан мандатга эга бўлган сиёсий партиялар номзодларининг рўйхатлари вилоят сайлов комиссиясига тақдим этилди.

14 январда эса қарор қабул қилиниб, 15 январь куни соат 10.00да вилоят маслаҳатининг 7 чақирик биринчи сессияси каминаннинг раҳбарлигига очилди ва янгидан сайланган маслаҳат депутатлари таниширилади, уларга депутатлик гувоҳномалари ва маҳсус нишонлар тақдим этилади.

Матбуот анжуманида айтилишича, вилоят маслаҳати учун тарқатилган бюллетеңларнинг 15287аси (2,04 фоиз) яроқсизлиги аниқланган. Энг кам овоз “Ауыл” партиясига тегишили. Энг кўп овоз эса – Nur Otanни.

Н. МАВЛОНОВА.

ҲАМКАСБИМИЗ – ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТИ

«Жанубий Қозогистон» газетасида иккимарта (2004-2006 ва 2015-2016 йиллар) бош муҳарир бўлиб фаолият юритган Фахриддин Қоратоевга яна Мажлис депутати бўлиш баҳти насиб этди. У бу шарафли мансабга Nur Otan партияси номидан эришиди.

Фахриддин Қоратоев 1963 йил 5 дебрабда Жанубий Қозогистон вилояти, Сайрам тумум, Оқсуводб қишлоғига туғилган. Жамбил енгил саноат технология институтин тугатган. Мехнат фаолиятини чарм хомашё фабрикасида транспорт-сараплаш цехи ходими бўлиб бошлаб, омбор ишчиси, таъминотчиси, цех раҳбари, бош муҳандис, Қорабулоқ қишлоқ округи ҳокими, Сайрам тумани ҳокими маслаҳатчиси, ҳоким ўринбосари, Nur Otan партияси

раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

2016 йил 24 марта олтинчи чақирик Қозогистон Республикаси Парламенти Мажлисининг депутати.

Иккинчи бор Парламент депутати этиб сайланган ҳамюртимиз-ҳамкасбимиз Фахриддин Қоратоевни чин дилдан қутлаб, ишларига улкан зафарлар тилаб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ.

Nur Otan партияси номидан Парламент Мажлиси депутати бўлиш шарафи бу гал республикадан 76 одамга насиб этди.

Улардан 36 нафари праймериз ғолиблари, 40 нафари сиёсий Кенгаш бюроси квотаси бўйича танланди.

Депутатларнинг 26,3 фоизи ҳуқуқшунослар, 23,7 фоизи илмий даражага эга, 10,5 фоизи таълим ва согликни сақлаш ходимлари, 9,2 фоизи давлат бошқаруви органлари вакиллари.

Партия фракциясининг янги таркиби 40 фоизи хотин-қизлар ва 35 ёшгача бўлган ўшлардан иборат. Умуман олганда, Мажлисда марказий партиянинг таркиби 70 фоизга янгиланди.

АССАМБЛЕЯДАН ДЕПУТАТЛАР САЙЛАНДИ



ҚР Парламентининг қуий Палатаси – Мажлисга Қозогистон ҳалқи Ассамблеясидан тўққиз депутат сайланди.

ҚҲАнинг XXVIII сессиясида Парламент Мажлиси депутатлари сайлови натижалари эълон қилинди.

Парламент Мажлиси депутатларига номзодлар учун берилган бюллентенлар сони: Саутбек Абдрахманов – 298, Аветик Амирханян – 270, Ильяс Буларов – 274, Наталья Дементьевна – 292, Юрий Ли – 282, Вакиль Набиев – 285, Шамиль Осин – 271, Владимир Тохтасунов – 277, Абилфас Хамедов – 290.

Мажлиснинг янги депутатлари билан танишинг:

1. Саутбек Абдрахманов – Қозогистон ҳалқ Ассамблеясидан VI чақирик ҚР Парламент Мажлиси де-

путати, ҚҲА аъзоси.

2. Аветик Амирханян – Гарбий Қозогистон минақавий «Масис» арман этномаданият бирлашмаси раиси, ҚҲА аъзоси.

3. Ильяс Буларов – Жамбил вилояти Қўрдай тумани, Сартубе қишлоқ округи ҳокими.

4. Наталья Дементьевна – Кўкшетау шаҳар таълим бўлими «Техник лицеи» ДКК директори.

5. Юрий Ли – «Қозогистон миллий коллекторлар палатаси» ЖҲШ раиси, Тадбиркорлар ҳамжамияти ва ҚҲА аъзоси.

6. Вакиль Набиев – «Барбанг» курдлари ҳамжамияти республика жамоат бирлашмаси раиси, ҚҲА аъзоси.

7. Шамил Осин – «Шығыс» дәхқон хўжалиги раҳбари, ҚҲА аъзоси.

8. Владимир Тохтасунов – «ЖетысуОбГаз» МЧБ бош директори.

9. Абилфас Хамедов – «Озарбайжонлар ҳамжамияти» республика жамоат бирлашмаси раиси, ҚҲА аъзоси.

РАҒБАТ МУВАФФАҚИЯТГА УНДАЙДИ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ БИЗНЕС СОҲАСИДА ПЕШҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, ҳалол меҳнат эътиборсиз қолмайди. Вилоятимизнинг илгор деб эътироф этилиши ҳар биримизни рағбатлантириб, бундан юксак довонларни забт этишига рағбатлантириши сўзсиз, – деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Мейрижан Мирзалиев.

Doing Business – бу бутундунё банк гурухи тараққиётнинг барча асосий соҳаларида фаолият юритади. У молиявий маҳсулотларнинг кенг кўлами ҳамда техниковий ёрдамни таклиф қиласди, шунингдек, давлатларга инновациявий билим ҳамда уларнинг олдида турган

муаммоларини ҳал этишда ҳамда қўллашга ёрдамлашади.

Туркистан вилоятида 150 мингдан зиёд тадбиркор рўйхатга олинган. “Оддий буюмлар иқтисодиёт” дастури доирасида 254та лойиҳа 24,4 млрд. тенгега молиялаштирилган. 29та лойиҳа эса 5 млрд тенгега, 27та лойиҳани 6,1 млрд. тенгега молиялаштириш кўзда тутилган. Сони бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида 77,4 фоиз, озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаол.

Туркистан вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ МАСЛАҲАТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Қозогистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ҳамда ўзини-ӯзи бошқариш тўғрисида» ҚРнинг 2001 йил 23 январдаги Конунийнинг 10-модда 1-бандига мувофиқ, еттинчи чақириқ Туркистан вилоят маслаҳатининг биринчи сессияси 2021 йил 15 январь куни соат

10.00да Туркистан шаҳри, маъмурӣ-тадбиркорлик маркази, Туркистан вилояти ҳокимлиги биносида ўтишини маълум қиласан.

А. ЎМИРАЛИЕВ,
Туркистан вилоят худудий сайлов комиссиясигининг раиси.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ВА ШИМКЕНТ: САРМОЯВИЙ ФАОЛЛИК ОШДИ

2020 иили 12та минақавий фаоллигини намойиш этди. Буни ҚР Миллий иқтисодиёт вазири Руслан Даленов Ҳукумат мажлисида маълум қилди.

– Аксарият худудларда юксак сармоявий фаоллик кузатилмоқда. 12та минақавида юксалиш кузатилди, шу жумладан 5та минақавида бу кўрсаткич 20 фоиздан 60 фоизгача ошди. Энг юқори кўрсаткич Туркистан вилояти ва Шимкентда қайд этилди, – деди у. – Умуман олганда, асосий капиталга 12,3 трлн. тенге сармоя киритилган. Төғкон саноатидан ташқари, барча соҳаларда сармоялар 14,8 фоизга ошди.

Primeminister.kz.

ПОЛВОН ХОТИРАСИГА ЭХТИРОМ



Қажимуқан Мунайтпасовнинг 150 йиллигига бағишилаб у дағн этилган Туркистан вилоятининг Үрдабоши туманида улкан мажмуга барпо этилади. Ғарбий Хитой – Ғарбий Европа халқаро транспорт даҳлизи бўйида қад ростлайдиган мажмуага Темирлан қишлоғидаги музей кўчирилиб, 5 гектарни ташкил этадиган ҳудуд сайдёнлик масканига айланади.

Туркистан вилояти ҳокими Шўкеев раислигига үтган мажлисда Туркистан шахрини ривожлантириш, спорт ҳамда туризм соҳаларида амалга оширилган, 2021 йил режалари ҳамда бошқа долзарб масала-

лар муҳокама қилинди.

Буюк Даشت ботирининг номига барпо этиладиган мемориал мажмуада кутубхона, кўргазмалар зали, меҳмонхона, ошхона, мажлислар зали, спорт зали фаолият юритади. Иншоот ҳу-

дулага дараҳтлар ўтқазилиб, хордиқ майдонига айланади. Спортнинг бир неча тури билан шуғулланишига мўлжалланган мажмууда турли даражадаги беллашувларни ўтқазиш мумкин. Шунингдек, келгуси баҳорда қозоқ анъанавий курашидан халқаро беллашувлар ҳам ўтказилиди.

**Туркистан
вилояти ҳокимининг
матбуот хизмати.**

• Брифинг

ЭПИДЕМИОЛОГИК АҲВОЛ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА

ҚР ССВнинг эпидемиологик аҳволни баҳолаш кўрсатичлари бўйича Туркистан вилоятида “яшил ҳудуд” жорий қилинди. Бугунги кунда вилоят бўйича 2021 йилнинг 1-12 январь оралиғида COVID-19 тасдиқланган 117 ҳолат қайд этилди. Шунингдек, касаллик аломатлари билан – 27, аломатларсиз 90 нафар бемор рўйхатга олинса, зотилжам юқтирилган 57 бемор аниқланди. Буни вилоят бosh санитар шифокори Нурбек Нишанов маълум қилди.

– COVID-19 ташхиси тасдиқланган 117 бемор аниқлангач, 59та иллат ўчогида эпидемияга қарши заرارсизлантириш ишлари юритилди. Шунингдек, гуруҳлар юритаётган мониторинг ишларининг натижаси бўйича 1-12 январь оралиғида 2 254 иншоот текширилиб, 171 фуқарога жарима солинди.

Шунингдек, брифингда иштирок этган вилоят Жамоат соғлигини сақлаш бошқармаси раҳбари ўринбосари Нурхан Наримбетова вилоят бўйича 610 инфекциявий ва 340 карантин тўшак-ўрин тайёрланганини маълум қилди.

– Улар сонини 5 610гача етказиш имконияти бор, – деди бошқарма раҳбарининг ўринбосари.

**Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.**

МАСЛАҲАТГА ЎТГАН ПАРТИЯЛАР АНИҚЛАНДИ

Буни Шимкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссиясининг раиси Қайирбек Қунанбаев маълум қилди.

– Маслаҳат депутатларининг навбатдаги сайловида Шимкент шаҳри Абай, Ал Форобий, Енбекши ва Қаратай туман сайлов комиссияларининг натижалари асосида 348 644 одам овоз берган. Ушбу фуқаролик танлови натижасига кўра, депутатлик мандатларини тақсимлаш жараёнида 7 фоиздан ошган Nur Otan (78,63 фоиз), “Ауыл”

(9,44 фоиз) ҳамда “Ақ жол” (9,60 фоиз) партиялари маслаҳатга ўтди, – деди Қайирбек Кўбекули.

Унинг таъкидлашича, Шимкент шаҳри бўйича партиялар орасида Nur Otan партиясига 24 мандат, “Ауыл” халқ-демократик ватанпарварлик партиясиغا 3 мандат ва “Ақ жол” демократия партиясиغا 3 мандат ажратилди.

**Шимкент шаҳри
ахборот-коммуникация маркази.**

Ўтган йили Тулкибош туманида жами 19та иншоотнинг қурилиш ишлари амалга ошиб, 10та иншоот фойдаланишига топширилди. 9тасининг қурилиши давом этмоқда.

Чунончи, Шақпақ баба аҳоли манзилидаги Бреусов номли мактаб қошида 200 ўринли замонавий мактаб, Тулкибош кентидаги Шевцов ва Жиланди аҳоли манзилидаги Кошевои номли мактаб қошида 150 ўринли қўшимча иморат бўй кўтарган. Минбой қишлоғидаги Жамбил номли мактаб қошида барпо этилаётган 150 ўринли иморатнинг қурили-



ЯНГИ ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

Туркистан шаҳрида “Туркистан: қадим ва келажак кўприги” номли вилоят янги санъат фестивалининг шаҳар босқичи бошланди. Туман, шаҳар саралаш босқичлари ёш санъаткорларнинг маҳоратини ошириб, улкан саҳнага йўл очади. “Ақжайик” мусиқа мактабида ўтган тадбирда истеъодли ёшлар ўз санъатини намойиш этишиди.

Фестивалда устозлар ва мактаб ўқувчиларининг халқ чолғу асбоблари оркестри Курмангизининг “Адай” куйини, “Мирас” ўқувчилар вокал гурухи “Ўлт кәсем” қўшигини ижро этишиди. Туркистан вилояти ҳокими Үмирзак Шўкеев санъат беллашуви иштирокчиларига муваффақият тилади.

– Элдаги карантин чекловлари туфайли ўқувчилар санъатини тўлашонли намойиш этиш имкони йўқ эди. Мана энди, Туркистан шаҳрида бошланган санъат фестивали туман ва шаҳарларда давом этади. Қозоқ

эстрадаси юлдузларининг ярми бизнинг Туркистан вилоятидан чиқсан. Мана шундай муқаддас маскандадунёга келган ёш иқтидорларга муваффақият тилайман. Санъатингиз чархланиб, буюк довонларни забт этишида омад ёр бўлсин, – деди Үмирзак Естайули.

2020 йили пандемия шароитига қарамай, Туркистан вилоятда онлайн тизимда ўтказилган республика танловлари ва фестивалларида туманлардан 5 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этиб, вилоят танловига 1045 ўқувчи саралаб олинди. Қоидага кўра, 133 нафар ўқувчи республика танловида иштирок этиб, 2-3-уринга сазовор бўлишиди. Келгусида совринли ўринни эгаллаган иқтидорларни республика ҳамда халқаро даражага кўтариш учун барча шароитлар яратилади.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

140 ОИЛА БОШПАНАЛИ БЎЛДИ

Тулкибош туманида уй-жойга навбатда турган 140 нафар тулкибошлик оила бошпанали бўлди. Янги квартирапар, асосан, кўп болали ва кам таъминланган оиласларга берилди.



Таъкидлаш жоизки, туманда ички ўйларни таъмирлаш, инфратузилмани юритиш, ободонлаштириш сингари ишлар 2020 йили талаб даражасида юритилган. Туман худудидаги 67,88 чақиримни ташкил этадиган 54та йўл таъмирланди. Чунончи, 19,3 чақиримли бта йўл тубдан таъмирланди, 49 чақиримли 48та кўчага ўртacha таъмирлаш ишлари юритилди.

Бта аҳоли манзилидаги 8та кўчага тунги чироқлар ўрнатилди. Айниқса, пандемия пайтида касалхонага олиб борадиган Абиров, Бекбўсинов ва Қўнаев кўчаларига қўшимча 100та ёритиш ускунаси ўрнатилди. Састьубе кентида замонавий насос станцияси ва оқава сувларни тозалаш иншооти фойдаланишга топширилди.

**Туркистан вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.**

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР ФАЙЗУ ТАРОВАТИ

шини жорий йилда тугатиш режаланмоқда.

Шу билан бирга, Балиқти қишлоқ округи ҳамда Састьубе ва Тулкибош кентларида 143 гектарни ташкил этадиган 673та ер участкасига зарур инфратузилмани юритиш ишлари жадал давом этмоқда. Тулкибош ва Састьубе кенти кўчаларига чироқлар ўрнатиш ишлари тўла ниҳоясига етди.

**Туркистан вилоятини
минтақавий коммуникациялар хизмати.**



Шимкентда ўтган йили 354 педагог автоматлаштирилган тартибда ишга қабулланди.

● Алишер Навоий таваллудига – 580 йил

Зиёрат, ҳайрат, ҳаяжон...

2021 йил февралидаги буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг 580 йиллиги кенг нишонланади. Ёшлигимдан адабиётга қизиқанман. Таникли адаблар китобларини, газета-журналлардаги ҳикоя, қисса, турли жанрлардаги асарларни севиб ўқиганман. Ушбу мақолада иккى йил муқаддам қардош Афғонистон давлатига тарихий сафарим, тарихий обидаларни ҳайрат ва ҳаяжон билан зиёрат қилиш шарафига мияссар бўлганимни қоғозга тушириб, кенг муштариylар билан ўртоқлашишини ният қилдим.

Дунёнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни насиб айлаган Аллоҳга шукр қиласман. Бу зиёрат ҳақида оғиз очганимда менни хаёлпастга чиқариб, устимдан кулганлар ҳам бўлди. Лекин, холис ният, покиза мақсад, пировардида рӯёбга чиқди. Муборак ҳаж сафарига Маккаю Мадинага, сўнг Истроилга, Ҳиндистонга (Тожмаҳал) тарихий зиёратларга бориш насиб этди. Ушбу мақоланинг асосий мавзуи эса Ҳирот сафари ҳамда шу табаррук шаҳардаги буюк Алишер Навоий мақбараси зиёрати ҳақида.

... Қиз бола бироннинг ҳасми. Шуҳрат исмли күёвбола ҳамда синглим Раънохоннинг қизи Баҳорой мактабни аълога битириб, Нур-Султан шаҳридаги Гумилев университетига ўқишга кирди. Уни ҳам аъло баҳоларга битириб, ўқишни магистратурда давом этириди. Ўқиш давомида курсдоши – афғонистонлик талаба билан

ҳақидаги маълумот эсимга тушиб, такси билан кечаси бўлса ҳам Бобур боғига бориб, Қуръон тиловат қилиб қайтдим. Эрталаб Ҳиротга учиб кетдик. Бу ўлкада аксарият йўловчилар йўлда ўққа тутишларидан кўрқиб, автобусга минмай самолётни маъкул кўрар экан.

Собиқ Шўро давлати афғонларга мактаб ва шифохоналар қуриб берган экан. Ҳиротдан оқиб ўтадиган Амударёга ГЭС қурамиз деб турганларида Америка давлати сиёсатчилари аралашуви туфайли иш тўхтаб қолган экан. Электр токини Ҳирот Қирғизистондан олар экан. Афғонлар собиқ СССРни кўп эслаб турар экан. Мен режамни газал мулкининг сultonни Алишер



Ҳирот шаҳри аҳолиси 4 миллиондан зиёд бўлиб, уч томони тоғ билан ўралган бир томони очиқ. Кўп қаватли бинолар кам. Икки ва уч қаватли уйлар сероб. Аҳолиси Андижон шаҳридаги каби, жуда зич жойлашган. Кўчаларда пулемётлар, ҳарбий машиналар кўплаб учрайди. Асосан, Америка ҳарбийлари соқчилик қилиб юриди. Афғон ҳарбийлари эса масjid, катта савдо шахобчалари, бозорда, тўйхоналарда, одамлар гавжум ерларда соқчилик қилмоқда. Қудаларимиз ўртаҳол, камтар, кичикфөъл, меҳмондўст инсонлар экан. Күёв Алиасқар рус тилида жуда равон гапиради, ўзбек тилини эса энди ўрганаётган экан. Афғонистон юртига келин бўлган қизимиз Баҳорой эса афғон тилида оила аъзолари билан бемалол гаплашиб, бизни лол қолдириди. Ҳиротда биз 10 кун бўлдик. Одам гавжум жойларда, бозорда бўлдим. Лекин шим кийган, бошяланг юрган хотин-қизларни кўрмадим. Ҳамма тўйхоналарда аёллар алоҳида, эркаклар алоҳида ўтирас экан. Афғонистонда фирқалар сони кўп бўлиб, улар ўзаро жанжаллашиб, ҳатто отишмалар ҳам бўлиб турар экан.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳақида китобларда ўқиб, кинофильмларда бошқа, улар истиқомат қилган даврининг ҳаёлан шоҳиди бўлиш, улар боссан тупроққа қадам қўйиш, мақбаралар зиёрати, ундан туйган ҳаяжон, ҳайрат туйғуарини сўз билан ифодалаш қишин.

Тақдир тақозоси билан ҳамон отишма, жанг бўлиб турадиган Афғонистоннинг Ҳирот шаҳри билан қадрдан Қозоғистонимиз, янгидан ташкил этилган Туркистон вилояти ҳамда кун оша фаровонлашид бораётган Туркистон шаҳрини ҳаёлан қиёслаб кўрдим. Қозоғистондан ҳаловат, осойиштадик, тинчлик, тутувлик, эртанди кунга ишонч учун давлатимиз раҳбарларига хурматим янада ортди. Шу юрт фуқароси эканлигимдан ғурурландим. Тоғдан узоқлашган сайин унинг салобати намоён бўлади, деганларидек афғон тупроғида туриб, қадрдан ватаним, Туркистонимизни соғинидим. Киндик қоним томган Қорачик қишлоғимни қўмсадим. Навоий бобомизни ўз бағрига олган табаррук замин билан қиймай хайрлашдим...

Мирзахон АДҲАМОВ,
Қорачик қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.
Кентов шаҳри.



оила қуриши. Афғонистонга Туркистондан қудалар билан мен ҳам борадиган бўлдим. Сафар олдидан ишлар билан "Жанубий Қозоғистон" газетасининг мухбири Шомирза Мадалиевга учраб, йўлга чиқаётганимни маълум қўлганимда, у худди ердан олтин ёмби топгандек юзлари ёришиб, қувониб кетди.

– Ҳиротга борсангиз, албатта Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро мақбараларини зиёрат қилиб, тасвирга тушириб келсангиз. Келаси иили Навоий бобомизнинг 580 йиллик юбилейига ажойиб тухфа бўларди. Ҳали биздан у томонларга ҳеч ким бориб, Навоий қабрани зиёрат қилмаган. Сиз биринчи зиёратчи бўласиз, – дея илтимос қилди. Шу гапдан сўнг Шомирзадаги ҳаяжон менга кўчди.

Яратган Эгам ёр бўлсин деб, Афғонистонга отландик. Тошкентдан Қобулга самолёт одам йигилишига қараб ҳафтасига бир марта учар экан. Биз Тошкентдан Қобулга учиб, манзилга кечқурун этиб бордик. Қобулдан Ҳиротга эса ҳафтада бир ёки икки марта самолёт учар экан.

Мен Ҳиндистонда Тожмаҳалда бўлганимда шоҳ ва шоир Бобурнинг жасади унинг васиятига мувофиқ Қобулга дафн этилгани

Навоий қабрini зиёрат қилишдан бошладим.

Эсадалик учун расмга тушдик. Ижоди билан жаҳонга танилган, соҳибқорон Амир Темурнинг тифи етмаган жойни қалами билан забт этган Алишер Навоийнинг қабри соддагина экан. Чироқчиси рус тилида яхши гапирав экан. Мен у билан анча мулоқотда бўлдим. Чироқчининг гапларига қараганда Ўзбекистондан делегация келиб, Навоий қабри атрофини кенгайтириб, ёнида 5000 кишилик масжид қуриши, ишчилар ва сарф ҳаражатлар Ўзбекистон томонидан бўлишини таклиф қилишган экан. Негадир Афғон томони бу таклифни рад этиби. Мен Алишер Навоийнинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, давлат ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро мақбарасини ҳам зиёрат қилдим. Унинг саройида бўлдим.

Лекин Бойқаро мақбарасида таъмирлаш жараёни кетаётгани сабабли у ерга киришга изн беришмади. Сўнг 1100 йил муқаддам қурилган подшоҳлар саройини ҳам зиёрат қилдим. Майдони 2,3 га. (гектар) бўлиб, қалин пишиқ ғиштдан терилган, пахса девор билан ўралган. Ҳар 5-6 метрга замбарак ва душманга ўқ отиш учун маҳсус жой ташлаб кетилган.

БУЮКЛАР БИСОТИДАН ДУРДОНАЛАР

● Қарз олишга одатлансанг, аста-секин тиланчига айланасан.

(Хемингвэй).

● Ғамни ўйлайверсангиз, у кашталашиб, кўпайиб бораверади, ғамнинг устидан кулсангиз, даф бўлади.

(Ш. Бошбеков сўзи).

● Эй ўғлим, дунёнинг орқасидан қувсанг, унга ета олмайсан, илм-хунарни ортидан қувсанг, дунё сенинг ортингдан қувади.

(Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф).

● Душманларингиз ақлдан озишини хоҳласансиз, уларни сөвинг.

(Э. Хоу).

● Фазаб боши – телбалик, охир – пушаймонлик. (Томас Карлейл).

● Ҳамиша Аллоҳ қузатиб турганини эслаганлар, жаҳлларига ҳокум бўлганилардир.

(Платон).

● Ғазабланган инсон ўзига келгач, бу сафар ўзидан ғазабланади.

(Коррис).

● Дунёнинг энг бойи тежамкорликни билган, энг қашшоги хасис одамдир.

(Комфорт).

● Яхши бош 100та кучли қўлдан ҳам яхширокдир.

(Томас Фуллер).

● Кўз ёши аёлнинг тузогидир.

(Жалопиддин Румий).

● Ҳаёт ҳаракатдир, ҳаракатсизлик – ўлимдир.

(Левис Мибрис).

● Ҳар бир инсон обрўсига "путур" етказадиган кишилар билан кўришишдан сақланиши, шубҳали жойлардан узоқда юриши керак.

(Абу Ҳамид Ғаззолий).

● Ҳафақон пайтида ёки чарчаганда овқат ейилса, унинг ярми ҳазм бўлмайди.

(А. Жексон).

● Кўп инсонларнинг бадбахт бўлиши мансабидан мамнун эмаслиги ва ризқига қаноат қилмаслиги туфайли содир бўлади.

(Имом Аъзам).

● Кўнглум қолди, дўстдан ҳам, душмандан ҳам. Қолмади алдамаган бирор одам ҳам.

(Абай Қунанбаев).

● Адабиёт – атомдан кучли. Лекин унинг кучини ўтишни ёришига сарфламаслик керак.

(Абдулла Қаҳҳор).

● Ишқ-муҳаббат кўп ҳасталикларни даволайди.

(Турсунхўжа Ҳидоятхўжаев).

● Қувноқ, ҳаракатчан, сабр-тоқатли одамларда ҳар қандай ҳасталик тез ўтиб кетади, ваҳимачи, сабрсиз одамларнинг тузалиши қийин кечади.

(Турсунхўжа Ҳидоятхўжаев).

● Қаердаки одамнинг қадри бўлмаса, сўзламай жим ўтиргани маъкул.

("Маҳзан ул-улум").

● Давлат учун кўнгилни зор этма, Иззат учун ўзинги хор этма.

(Бобур).

● Кимки улугроқ, анга хизмат керак. Кимки кичикроқ, анга шафқат керак.

(Алишер Навоий).

● Ҳаё, номус имона далилдор, Ҳаёсиз доимо хору запилдор.

(Абдулла Авлоний).

● Улуғлик айлама зинҳор, ўзинани камттар тут, Биродва бўлса бу хислат, ажаб саодатдир.

(Хувайдо).

● Мулойимлик – ризқ сари етакловчи калим.

(Мұхаммад Зәҳний).

● Одам эрсанг, ташқи суратга берма зеб, Она юртингни ҳамиша айла зеб.

(Анбар отин).

● Деҳқон деб ўлама, ҳар ким сочса дон, Донидан дон чиқса, ўшадир деҳқон.

(Низомий Ганжавий).

● Богбондан парвариш кўрмаса ниҳол, Улгайиб ўсолмас, тополмас камол.

(Хуррамий).

● Ўшал ким, элнинг айбини ёшурса, Худо ул бандани мағфур тутқай.

(Нодира).

● Ҳамиша ҳалқинга меҳрибон бўлгил, Яхшиликка интил ва омон бўлгил.

(Носир Хисрав).

● Одамларсиз яшама, одамлар орасида бўл, Одамлар айбини кўрма, ўз айбингни кўр.

(Юсуф Ҳос Ҳожиб).

Санобар ТУРСУМЕТОВА тўплади.

Коронавирус пандемияси мамлакатимиз иқтисодиётiga, халқымиз рухиятига салбий таъсир қилгани ҳеч кимга сир эмас. Бу оқибатлардан сўнг оёққа туриб олишимиз ҳам осон кечмаслиги маълум. Лекин...

Пандемия оддий халқ турмушига жиддий иқтисодий таъсир ўтказмоқда. Тўғри, давлатимиз раҳбарлари аҳолини қашшоқлик даражасига етказмаслик, оғир қийинчиликлардан сақлаб қолиш йўлида қатор чора-тадбирларни кўрди.

Карантиннинг салбий оқибатларини камайтириш учун давлат солиқларни камайтирди, корхоналар учун имтиёзлар яратди, кредит таътилини берди ва ҳоказо.

Лекин булар етарли эмас, албатта, юз минглаб кишилар ишсиз қолишли, не-не тадбиркорлар касодга учради. Университет, мактаб ва болалар боғчаларининг ёпилиши ҳақиқатан ҳам замон оғирлашганини билдириди.

Келинг, бир гуруҳ муштариyларимиз билан сұхбатлашиб, уларнинг бугунги қайфияти ва турмуш дараҷасини билайлик.

Озода ПУТФИЛЛА қизи,
“Химфарм” ҲЖ (SANTO Member of Polpharma Group савдо маркаси) ходимаси:

— Караптун пайтида компания тўйла қувват билан ишлади, десам янгилишмайман. Мана, ҳозир ҳам, иккичи караптун пайтида иш қизгин. Сабаби, “Химфарм” заводи бутун Қозоғистон бўйича энг ўйрик фармацевтика корхонаси ҳисобланади. Караптунда, нафақат ишумиз кўпайди, балки санитария меъёrlарига амал қилиш тартиби ҳам қатъиётлашиб. Ишхонамизга киравериш жойда ишчиларнинг тана ҳарорати текширилб, маҳсус санитайзерлар дезинфекциясига талаб кучайди. Тиббий никоб, кўлқопларсиз кирган ходим шу заҳоти маъмурӣ жазога тортилди. Ҳар жойга видеокамера ўрнатилгани учун, санитария талабларига риоя қўлмаганлар қатъиёт жазоланди.

Иш ҳақи масаласига келсак, шахсан ўзим иш кўплигидан меҳнат таътилига ҳам вактида чиқа олмадим, лекин маош миқдори ўша-ўша, ўзгармади.

Гулбаҳор ОЛИМЖОНОВА,
тиббиёт ҳамшираси:

— Беморлар сони қисқаргани минақада вазият барқарорлашганидан дарак беради. Ҳавфли дард ортга чекинди. Фақат кўп ишллик иш тажрибасига эга тиббиёт ходимаси сифатида шуни айтаманки, асло бўшашишга бўлмайди. Қолаверса, аҳолининг деярли барчаси бу дардни бошидан кечирди, кимдир оғир, кимдир ёнгил шаклини ўтказди. Иммунитет заифлашган, рухият тушкун. Шунинг учун эҳтиёт шарт! Олдимиэда кўклам, табиийки, вируслар яна урчиуди, шунга тайёргарлик кўриш керак.

Ш. МАДИЕВА,
ҳисобчи:

— Караптун пайтида корхонамиз (“Азия-сервис” МЧБ)нинг компюю-

КАРАНТИННИНГ ЗАРАРИ, ҲАМ ФОЙДАСИ БОРМИ?



терчи ходимлари ҳар биримизнинг ўйимизга бориб, техника ускуналарини ўрнатиб беришиди. Ўйда ўтириб, масофадан ишладик. Таъкидлаш жоизки, караптуннинг ҳам ўзига хос яхши томонлари бор экан. Биринчидан, якка тартибда, осойишта шароитда ишладик. Иккинчидан, оила бағрида бехавотир, ташвишсиз бўлдик. Иш ҳақи масаласига келсак, ойликларимиз бирор камайтирилди. Лекин, энг кераги, ўйда ўтирганлар сог-саломат. Қолаверса, оила аъзоларимга ўюмушларида ёрдам бериб, бирор китоблар ўқидим, мирам тиниқиб, ўзим ҳам яхши дам олдим. Соғлом ўйқуга нима етсин!

Н. ШАРИФБОЕВА,
хусусий тадбиркор:

— Хусусий корхона соҳибасиман. Караптун бошлангандан бўён, ростини айтсам, бирор марта тинганимиз ўйқ. Умумий овқатланиш соҳасида ишлаганимиз учун муасасасамиз фаолияти тўхтамади. Таомларни етказиб бериш билан шуғулландик. “Олиб кетиш” тартибига ўтганимиз учун пандемиянинг таъсирини деярли сезмадик. Караптун қоидаларига қатъий риоя қилишдан, тўғриси, ҷарчаб кетдим. Кечоа кундуз ҳаммаёни чиннидек қилиб юваб-тозалаш, санитайзерлар билан ишлаш, мижозларга ҳам шу талабларни кўйиш бирор толиктирди. Лекин, Ҳудога шукрки, бошқа муассасалар каби оғир молиявий инцирорзга учрамадик, аксинча даромадимиз ортди.

О. ЙЎЛДОШЕВ,
масжид ходими:

— Караптун масжидлар фаолиятини тўхтатиб, жамоат бўлиб нализ ўқишини бир муддат тақиқлади. Жанозаларда ҳам кўпчилкнинг тўлпанишига тўскинлик қилди. Лекин тўйларимизни, бошқа маросимларимизни ихчамлаштириш, исроғарчилликка ўйл қўймасликни қарор

топтириди. Буни жуда яхши ҳолат деб ҳисоблайман. Ўзим ҳам тўйтомошасиз ўғлумни ўйлантириб, келинлик бўлдим. Ортиқча дабдаба, ташвишдан қутуплдим.

Ҳа, коронавирус пандемияси туфайли жорий этилган караптун одамларнинг иқтисодий ва руҳий ҳолатига жиддий таъсир етказганини юкорида таъкидлаб ўтдик.

Лекин... караптуннинг фойдали жиҳатлари ҳам йўқ эмаслигини мақола қаҳрамонлари ҳам атаб ўтишиди.

Намозхонлар масжидларга бориб нализ ўқий олмаганини салбий ҳолат қаторига киритиш мумкин. Қолаверса, қариндош-уруглар бир-бирининг ўйларига бориб, учраша олмай қолишиди. Ишдан қўли бўшамайдиган одамларнинг эса даромадлари камайиб, дам олиш кунлари кўпайиб боргани ҳам караптуннинг салбий томони бўлди.

Лекин ўйда бўш қолган одамлар бола-чақаси бағрида, янам бир-бirlарига эътиборли бўлишиди, оилавий муносабатлар мустаҳкамланди. Илм-фанинни қадрлайдиган инсонлар учун ўз устида ишлаш, янги китоблар ўқиш имкони юзага келди. Ўқувчилар ва ота-оналар онлайн тартибда ўқишини ўрганиб олишиди. Караптун сабаб тўй-маросимлар ихчамлаштирилди, одамлар тежамкорликка ўрганишиди. Транспортларнинг ҳаракатланиш вақти чекланиб, экологиямиз анча тозаланиб қолди. Одамлар тозаликка, тартибга риоя қилишга ўрганишиди. Ҳаражатларни камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, яни даромад-ҳаражатларни тўғри ҳисоблашни ҳам ўзлаштира бошлашиди. Бу ҳолат эса, мутахассисларнинг фикрича, тадбиркорлар учун жуда фойдали амалий тажриба экан.

Хуллас, бу давр ҳар ким учун имтиҳон, синов вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун сабр, шукр қилайлик!

Н. МАВЛОНОВА.

● Ибрат соҳиллари

САВОБ – ҲАЛОЛЛИКДА

Зулм-зўравонлик, алдамчилик, бирорларнинг ҳақига хиёнат йўли билан беҳисоб бойликни қўлга киритган кимса, бу дунёда ҳамма нарсага эришдим, энди у дунёғамини ҳам кўрай, яъни имконим борида, шундай савоб иш қилайки, у мени жаннатга доҳил этсин, деб ҳажга бориби ва масжид қурдириби. Бундан беҳисоб савобга эга бўлдим, қанчадан қанча мўмин мусулмонлар ўқиган намозидан зўравонлик йўли билан келиб турадиган улуш каби савоб улушки ҳам келиб туради. Энди номай аъмолим ҳам рисоладагидек бекаму кўст бўлиб, охиратим ҳам обод бўлади, деб ўйлади.

Бу қилган «улкан» иши боис, у дунё саодати учун замин ҳозирлаб қўйганлигидан кибру ҳавоси янада ортиб борарди. ...Ва ниҳоят охират ҳисоб-китоб даври ҳам етиб келиби. Қурилган масжиднинг ҳар бир ғиши, ҳар бир зарраси учун қилинган сарф-ҳаражатларнинг аниқ ҳисоби қилинди. Бу маблағлар кимлардан ўтган бўлса, савоб ҳам бешак ўшалар ҳисобига ўтиб кетган экан. Ҳаж ҳаражатлари ҳам нопок маблағ ҳисобидан экан. Ҳажга бордим, масжид қурдиридим, деган кимсанинг но маи аъмолига савобдан зарра ҳам келиб тушмабди. Аксинча, бирорларни қақшатиб юлиб олган ҳақларидан гуноҳи тўлиб тостиби. Устига устак, нопок йўл билан бойлик ортиргани ва масжид қурдиридим, деб кибру ҳавога берилгани учун Аллоҳ таоло унинг белини ҳам синдириби. Чунки Қуръони Каримнинг кўп оятларида такаббурликдан сақланиши буюрилган. Такаббурлик қилинган одам Парвардигорни ғазаблантиради.

Бир қўдсий ҳадисда Жаноби Ҳақ шундай марҳамат қиласи: «Буюклик ва такаббурлик менинг кийимим, кибриё, яъни улуғлик менинг тўнимидир. Такаббурлик ва улуғликда менга тенглашмоқни истаган одамнинг белини синдираман!».

Тилло топмоқ чун кўп,
Куму шагал титкиланар хўп.
Савоб топмоқ чун кўп,
Эзгу ишлар қилинар хўп.

ВАФОДОРГА ЖОН САДҶА

Иттифоқ бир киши далада бўрилар галасига дуч келди. Улар одамни исканжага ола бошлашиди. Ниҳоятда мушкул ва ҳатарли вазиятда қолган киши шошилинч ёрдамга муҳтоҳ эди. Бундай аҳволда кўмакка фақат итимгина етиб келиши мумкин, деб, бор овози билан уни чақирди. Сергак ва зийрак ит эгасининг ҳаяжон аралаш овозини эшитиши ҳамоно ўқдек елиб, бир зумда этиб келди ва бўриларга ташланди.

Жанг ниҳоятда шиддатли тус олиб, ёлғиз ит уч бўрига қарши жон-жаҳди билан курашарди. Ҳаёт-мамот жангидаги бўрилардан бирини даф этди ва бир зум ҳам шаштими пасайтиримай, иккичи бўрининг ҳам кекирдагини узишига муваффақ бўлди. Аммо оғир жароҳатланиб, қора қонга беланган ва қаттиқ ҷарчаган ит учинчи бўри билан аранг олишарди. Буни кўриб турган эгаси калтак ёки пичоқни ишга солиб, вафодор итининг жонига оро кириш ўрнига, бўри итни мағлуб этса менга ташланади, деб ўз жонининг ғамида жуфтакни ростлаб қолди.

Ночор аҳволдаги жафокаш ит бутун кучини ишга солиб, охирги бўрини ҳам тинчишига эришибди. Кучлар тенг бўлмаган олишууда у оғир жароҳатланиб, зўр-базўр уйга сурдариб келиби. Итини тирик кўрган эгаси: «Э, жонивор келдингми?», деб энгашиб, бошини силаган экан, ит унинг томоғига чанг солибди ва номард эгасини ҳам тинчитиб, ўзи ҳам тамом бўлиби.

Номардинг ҳамдардлиги не керак?
Жон ширин, унга виждан не керак?
Жонин фидо этган мардонга,
Ажру савобдан ўзга не керак?

Абдулла МАДАЛИЕВ.

● Синоат

ДАРАХТ ТАГИДАГИ «ЖИН»

2019 йилда опам қишлоқга келин бўлиб тушди. Кўп ўтмай, поччамга туман марказидан уй беришди. У ерга кўчуб боришиди. Ўша ерда Светлана Михайловна деган кўшниси бир ўғил, бир қиз билан турар экан.

Света опанинг ота-онаси мусулмон динини қабул қилишган экан. У аёл ўғли туғилганидан кейин қайнонасиликдан алоҳида бўлиб чиқиби. Ора узоқ эмас, кўшни ҳовлида яшаркан. Эшиқдан чиқсан жойда ҳовлида катта ёнгоқ дарахти бўлган. Света опанинг ўғли жуда кўп йиглар экан. Шунинг учун уй ишларини кечқурун, яъни ўғли ухлагандан кейин қилар экан.

Бир куни одатдагидай: ўғлини ухлатиб, кир ювиди. Магзавасини эшиқдан чиқсан жойдаги ёнгоқ дарахтининг тагига тўкиби. Кирини ювив бўлгач, ухлаш олдидан

ташқарига чиқибида, мағзава тўкилган жойга ўглининг тувагини бўшатиби. Ана шу вақт кимдир келиб, елкасидан ушлабди. Аёл кўрқанидан ҳатто орқасига қарай олмабди. Кимдир ҳазиллашаётгандир, деб ўйлаб, қўлини елкасига чўзиб, пайласлаб кўруса, гарданидаги қўллар тукли. Айик бу ерга кира олмасдику, деб ўйлаб, бақириб, эрини чақира бошлабди. Эри келгунча махлуқсифат жонзот аёлни уриб, тепкилабди. Эри келгач, қоронгаликка сингиб кетиби. Эри бу ердан чиқиб кетадиган жой йўқлигини, баланд девордан ҳатто машқ қилган спортчилар ҳам ўта олмаслигини айтиб, ҳайратланнибди. Аёлнинг ҳамма жойи кўкарган.

Света опанинг ахволи кундан кунга ёмонлашаркан.

Муллага боришиган экан, «тоза жойга мағзава тўккани учун жин



уриб кетган», деб, 40 кун чиллаёсин ўқиби. Шундан кейин аёлнинг соғлиги тиклана бошлабди.

Н. ЖЎРАБОЕВА.

БАРАКА ҲАДЯ ЭТГАН КИМ?

Шундай инсонлар борки, воқеа-ҳодисаларни аввалдан сезишиади. Бирор қувончли ёки қайгули дамлар содир бўлишини кўнгилларни сезиб туради...

Бир куни кўшнимиз Ҳанифа опа Нада исмли қўшниси ўз фозларини сотаётганини айтиб қолди. Бироқ нарихи жуда қимматлиги учун олоп-

мабди.

– Мол гўшти жуда қимматлашиб кетиби. Янги йил дастурхонига фозлардан ширин таом тайёрламоқчилик, - деди у аёл.

– Нима ҳам қиласдир, насиб қилгани бўладида! Бизга ҳам буюргани бордир.

Икки-уч кун ўтиб, у аёлни яна кўрдим. Унинг кайфияти чоғ эди.

– Ўз машинамизда Шимкент шаҳрига бозорга бордик. Янги йил дастурхонига керакли масаллиқларни олиб, қайтиб келаётганимизда Сайрам қишлоғига йўл чеккасида нуроний қария, иккита оппоқ ғозни ушлаб ўтирган экан. Машинани тўхтатдик.

– Қизим, шу ғозларни сотиб ол. Илтимос. Мен тезроқ уйимга бора

қолай, – дебди сотовучи отахон.

Сотиб олдим. Негадир шундан кейин ишларим юришиб кетди. Ризқу насибамиз ўз-ўзидан кириб келарди. Ишда муваффақиятларга эришдим. Катта ҳовли сотиб олдик. Баъзан ғозни сотган отахонни эсласам, ўйланниб қоламан. У одам ким ўзи? Нима учун у ғозларни бозорга олиб бормай, ёзда мева-сабзавот сотиладиган растанда ўтириб сотаётганди? Нега ғозларни менга арzonга сотди? Нима учун аризимас пул ортидан кут-баракали бўлдик. Бу жумбоқни ҳалиям ечолмаяпман ёки Тангриминг бизга йўллаган иноятимикан?

Р. АБДУХОЛИҚОВА.

«Кўзингни оч, ўғлим!»

Бу воқеани менга отам айтиб берганди.

1982 йил эди. Мен махфий ракета қўшинлари сафида хизмат қиласдир. Ўқув машқлари фақат кечқурунлари ўтказилади. Биз ҳамма жойда юра оладиган машиналар билан узоқ йўл босардик. Йўл олис, рулдаги аскар йигитлар ухлаб қолиб, автоҳалокат юз бериши ҳам ҳеч гап эмас. Ўқув машқларидан бирда мен ракета ортилган махсус машинани бошқариб кетаётibi,

кўзим илиниб, ухлаб қолибман... Туш кўрибман. Бир вақт «Кўзингни оч, ўғлим, оч кўзингни», деб, кимдир мени турта бошлади. Баланд овоз кулоғимга аниқ эшитилиб турарди. Отам раҳматлининг овозлари! Уйгониб кетдим. Қарасам, машина жарга қараб кетяпти. Дарров рулни ўнглаб, тўғри ўйла чиқиб олдим.

Ўшандан бери ота-онанинг нағафат дуоси, ҳатто руҳлари ҳам химоя қилиб юришади, деганига амин бўлганман.



М. РАҲМАТОВА.

БИР ТОГОРА МАНТИ НИМА БЎЛАДИ?

Истроил ака (Аплоҳ раҳмат қилсин) кўп овқат ейиш борасида «Гиннеснинг рекордлар китобига» киришга шай қишилардан эди. Унинг 3 кило гуручдан дамланган ош, 12 кишига тайёрланган норин, бир челак тухум, бир қоп бодринг еган «рекорд»ларни гапирмайни, иккита бошқа ҳангомани ҳикоя қилиб бера қолай...

90-йиларда кўпчилик аёллар сигир сутини эрта тонгдан бозорда сотиб, нон харид қилиб қайтишади. Бир куни, Истроил ака барвақт туриб, кўча эшиги тагига ўтираса, сут кўтарган бир аёл салом берид:

– Истроил ака, сут ичинг, – деб қолиби.

– Эрталабки насибадан қайтма, деганлар, – деб, у 10 литр сутини

бир кўтаришда ичиб, бўш идишни аёлнинг кўлига тутқазиби.

– Вой ўлмасам, энди болаларим нонсиз қоладими, – деб, йиглаб юбориби бечора аёл.

– Йиглама, қизим, мана, болаларингга нон олиб бор, – дэя Истроил ака пул бериди.

Кунларнинг бирда шаҳар бозорида айланиб юрган Истроил ака, тогорада буғи чиқиб турган мантига кўзи тушибдида, егиси келибди.

– Мен тўйганимча ейман, неча пул берай? – дебди сотовучи қизга.

Қиз «еса, 10 ёки 20та ер», деб ўйлаб:

– З сўм бўлади, – дебди.

Қаҳрамонимиз, «бисмиллоҳу рахмона рахим», дэя тогорадаги мантини паққос тушира бошлабди. Қўлига 3 сўм пул теккан сотовучи қиз

қараб турса, бўлмайдиган.

– Амаки, онам мантини санаб, 80 дона, яна ўзинг ерсан, деб 4 та эзилганини ҳам солгандилар. 8 сўм олиб бормасам (ўшандан 1 дона манти 10 тийин эди), уйдан ҳайдашади, – деб йиглармиш.

– Йиглама, қизим, мана сенга 10 сўм, мантинг ширин экан, тўймадим, кейин келсан, яна 20 та еб кетарман, – дебди Истроил ака.

Э. ҲАМИДОВ.

**Ҳаётий нақллар**

- Баҳона узр бўлмайди.
- Яхшилик қилсанг – яхшига қил.
- Ўтмишинг – келажагинг учун йўл курсатувчи маёқдир.

• Одатда биз тўғри йўлни мўлжалга оламиз. Бу йўл олдинда, олдимиз эса мавҳумлиқдан иборат. Белгиланган йўлимизнинг қанчалар тўғрилигини уни босиб ўтганимиздан сўнг ортимиздаги изимиизга қарабигина аниқлай оламиз.

• Қарз берган мағрур – қарз олган мулзам.

• Донга қўшилиб қолган ёнгил хас-чўп шамолда совурилиб ташланади, оғир тошлар эса териб ташланади. Ҳеч қаҷон улар дон билан қололмайди.

• Эртангги куннинг сирини бугун очиб бўлмайди.

• Ажаб, ёрдам бериш имкониятига эга бўлганингизда сизга ёрдам берувчилар кўпаяди.

• Тана руҳ учун – қафас.

• Қаҳрли қиши майнин баҳор ямлаганидек, газабни меҳр билан ёнгил мумкин

• Қалбини буюклик васвасаси эгаллаган одамнинг боши гангид, руҳий олами тораяди. Бундай одам руҳан ниҳоятда ожиз бўлади.

• Ўзимиздан ўзимиз ўзимизда яшириганимиз.

• Инсон шафқатсиз тасодифлар узра яшайди.

• Қўрқоқлик устидан зўравонлик ҳукмонлик қиласди.

• Такаббурликка олиб келадиган ғурур инсон камолотини емирувчи омилдир.

• Мехрни дарё дейдилар, ундан ирмоқчалик фойдаланишга ожизмиз. Қаҳр дарё бўлмайди, лекин ундан уммончалик фойдаланишга қодирмиз.

• Инсон баъзан ўзига ўзи ҳам содиқ қололмайди.

• Гулнинг атри, таровати, қўймати ва аҳамияти уни ким ҳада этганингига ҳам боғлиқ.

• Вақт ўтиши билан ҳаёт фақат мураккаблашиб бора-веради.

• Инсон ғам-андуҳли, губорли оламга келганидан аламли йиғлайди. Бундай оламда ғуборга ботиб яшаб, пок оламга боришдан қўрқиб яна аламли йиғлайди.

• Инсон баъзан ўзини ҳам алдай билмоғи керак. Буни овуниш дейди.

• Одам ўзини алдаб, ҷалғитиб ва овутиб яшайди.

• Бекорчилик одамни ўзини алдаш ва ҷалғитишига мажбур этади.

• Ихтимоий ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар тўғри баҳоламаслиги мумкин, лекин табиатдаги воқеа ва ҳодисалар аниқ ва тўғри баҳоланади. Чунки унда бошқа йўл йўк, у фақат қатъий ва ўзгармас қонун асосида рўй беради.

• Ҳаёт – бу излаб топиш ва йўқотишdir.

• Инсон виждонини сотмаса, виждон ҳам уни асрайди.

• Ҳаётда бола ота олдида, ота бола олдида, эр хотини олдида, хотин эри олдида, дўст дўсти олдида имтиҳон синовини ўтаб яшайди.

• Ғафлат – вақтнинг заволи.

• Инсон доимо ўзига оро беради, кийимларини янгилашиб туради. Инсон руҳи ҳам ана шундай эътиборга муҳтожлик сезади. Баъзилар руҳига, қалбига оро бериши, янгилаши ўйламайди, эски фикр, эски дунёқараш билан юраверади.

• Инсон заррача нарса билан жирканч, заррача нарса билан буюк бўлиши мумкин.

• Буюк ишларнинг моҳиятини шу даражага яқин бўлган кишиларигина тушуниб етади. Буни тушуниб ётмаган жоҳил кимсалар учун буюк ишларнинг баҳоси ўзлари каби писта пўчоги кабидир.

• Кимдир сизга интиляптими, демак сизда уни сизга жалб этувчи оҳанграбонгиз бор.

• Шундай мўъжизавий оламни майдо-чуйдага айлантиради «ҳазрати» инсон.

• Икки киши бир хил иш қилиши мумкин. Лекин у ҳар хил мазмун касб этиши мумкин. Яъни бириники холис ниятда, бошқасиники гараз ниятда.

• Мен ўзимга тушуна олмайман-у ўзгага қандай баҳо берайди?

● Ибратли дунё

БАХТЛИ ОИЛА

Бир ёш йигит донишмандга маслаҳат сўраб келибди.

Айтинг-чи, сиздаги билимларнинг қалити нимада? Сиз баҳтиёрсиз. Сизни ҳурмат қилишади, ҳузурингизга келган одамлар баҳтли яшашни ўрганишади. Мен ҳам кўп ўқийман. Бироқ омадизликлардан бошим чиқмайди.

Донишманд жилмайганича, аёlinи чақириди. Кўп ўтмай чиройли аёл ичкарига кириди. Унинг кўзлари баҳтдан порлаб тураркан. Шунда донишманд унга қараб, дебди:

– Азизам, бугун уйда меҳмон бор. Ҳамир тайёрлаб, пирог пиширинг.

Аёл ошхонага йўл олиди. Тез орада қайтиб, эрига шундай дебди:

– Ҳамир тайёр, бегим.

Донишманд унга:

– Энди ҳамирга ёнғоқ, қуритилган мевалар ва асал солинг, дебди.

Аёли сўрабди:

– Тўйимиз бўлган санани нишоналаш учун олиб қўйган мевалардан солайми?

– Худди шундай, – жавоб бериди донишманд.

Ва аёл итоаткорона хонадан узоқлашибди. Кўп ўтмай, ҳушбўй пирог солинган патнисни келтириди. Лекин донишманд меҳмонни таом ейишга таклиф қилмабди ва аёлига дебди:

– Жоним, мен меҳнатингизни қадрлайман, лекин энди буни камбағал-бечораларга олиб бориб беринг.

Аёл табассум қилганича, хонадан чиқиб кетиби.

Ажабланган меҳмон сўрабди:

– Эссиэзина пирог!

Шунда донишманд дебди:

– Сиз қандай қилиб, до-нишмандликка эришдингиз, деб сўрадингиз, шундайми? Энди бориб, аёлингизга пирог пишириринг.

Йигит уйига шоша-пиша етиб келиби. Лекин келган заҳотиёқ ҳафсаласи пир бўлиби. Унинг ёш хотини дугоналари билан сұхбатлашиб ўтирган экан. Йигит донишманднинг айтганини қилмоқчи бўлибида:

– Азизам, – дебди майин овозда, – мен ҳоҳлардимки, ҳозир битта пирог пиширангиз.

Аёли дарров норозилигини билдириби:

– Мен бандман. Қолаверса, уйда овқат бор-ку.

Лекин йигит ҳам кўймабди. Аёли жаҳли чиқиб, дугоналарини кузатиб қўйибди-да, ҳамир тайёрлашга киришибди. Сўнг қайтиб келиб, дебди:

– Ҳамир тайёр, лекин мен пирог ўрнига печенье пиширангиз.

Бир соатдан кейин аёл печенье солинган идишни эрининг олдига қўйиби. У эса кўксини тўлдириб нафас олиб, шундай дебди:

– Жоним, меҳнатингизни жуда қадрлайман, лекин

мана шу таомларни муҳтоҷларга берсангиз, яхшиrok бўлармиди?

– Нима?! – аёлнинг жаҳли чиқиб кетиби. – Намунча меҳрибон бўлиб қолдингиз! Ахир, шунча масаллиқ кетди-ку!

Энди ҳар куни аёли камбағал эрини жон-ҳолига қўймасмиш, қайта-қайта ўша воқеани юзига соларкан.

Бечора донишманднинг уйига югуриб келиби.

– Сиз мени алладингиз! Мен маслаҳатингизга қулоқ солган эдим, акасича, баттар бўлди. Уйимда яшаб бўлмай

билан энди танишган пайтидаги узум воқеаси тушибди. Хотини шунда роса ҳурсанд бўлган эди. Охирги марта уйига қачон узум олиб борганини ҳам эслай олмабди. Йигит озроқ узум сотиб олиби. Лекин аёлни ҳурсанд қиломабди: у ухлаб қолган экан. Унинг юзи йигидан қизарип кетган эди. Йигит аёлни уйғотмасликка қарор қилиби.

Узумни эса дастурхон четига қўйиби. Эрталаб майин бўсалардан уйғониби, қараса, хотини ҳурсанд, тепасида



қолди.

– Донишманд меҳмонни ёнига ўтқазиб, дебди:

Сиз мендан доно ва баҳтли бўлиш сабабини сўрадингиз. Кўриб турганингиздек, менинг севимли аёлим – баҳтим манбаидир. Сизнинг кўп вақтингиз аёлингиз билан уришишга, баҳс-тортишувга кетади, менини эса ўқишига. Энди тушунгандирсиз.

– Аёлим билан ажрашиб, бошқасига уйланами? – сўрабди йигит.

Донишманд қовоғини солиди:

– Сиз осон йўлни изляпсиз. Бу нотўри. Эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга ўрганиш учун яратилган. Уйингизга бориб, аёлингизни баҳтли қилишга одатланинг. Унгача китоблар хақида ўйлаш йўқ.

– Мен узис ҳам айтганини қилиб келаман, – дебди йигит.

– У баҳтлими? – сўрабди донишманд – Сиз ахир бир-бирунгизни севишга ўрганиш учун танладингиз. Лекин кеиниз сиз китоб мутолаасига берилди, аёлга ғамхўрликни унутдингиз, у эса дугоналарига сизни ёмонлаш билан банд.

Ҳафсаласи пир бўлган йигит уйига қайтиби. Йўлда узум сотадиган кишига ўлиқиби. Дарҳол эсига аёли

кулиб турган экан...

Энди улар бир-бирларига эътиборли бўлишни ўрганган эдилар. Йигит китобларга ортиқча эътибор бермай қўйиби. Сабаби, уйдаги тинчлик-хотиржамлик китоблардан муҳимроқ эди. Аёли ҳам ўзгариби: ўзига қараб, чиройли бўлиб юрадиган, эрига меҳрибон, дугоналаринида қолиб кетмайдиган бўлиби. Орадан бироз вақт ўтгач, аллаким эшикни тақијлатибди. Уй эгаси чиқса, бир йигит турган экан. Қўзлари маъюс, ғамгин. Қўлларида китоблар бор экан.

– Менга ёрдам беринг, эй, доно одам, дебди у, – мени бу ерга бир дўстим юборди. Унинг айтишича, сиз баҳтли бўлиш сирини биларканис. Мен буюк алломаларнинг китобларини ўқияпман. Лекин ҳаётим яхши томонга ўзгарамади. Хотиним эса мутлақо ёмон бўлиб боряпти.

Мезбон уни диқкат билан тинглагач, кулиб юборибида шундай дебди:

– Қани, меҳмон, марҳамат, уйга киринг. Яхши бўлди, хотиним ҳам кечки овқатга тайёргарлик кўраётган эди.

“Хитой ривоятларидан”.

● Ибрат излаганга – ибратдир дунё

БЕМЕҲР – МЕҲРГА ЗОР БЎЛАДИ

Бир неча кундирки, ишга бораётib, бекатда тиланчилик қилаётган қарияга кўзим тушади. У ҳар куни барвақт бекатда ҳозир бўлишидан ўй-жойи, оиласи ёхуд бокувчиси йўққа ўхшарди. Үнга ачиниб, ҳайри-эҳсон қилдим-да қисмати билан қизиқдим.

Дарҳақиқат, у бекат соябони остидан ўзига паноҳ топган эди.

– Оилангиз, бола-чақангиз, ўйжойингиз йўқми, – сўрадим ундан.

– Бор эди, ўпка касаллигига чалингач, хотиним: «Касалингни юқтирасан», – деб ўйдан ҳайдаб чиқарди.

– Ўғил-қизларингизчи?

– Улар алоҳида яшашади, мен улар учун йўқман.

– Наҳотки улар шунчалар бемеҳр бўлишиша?

– Йўқ, уларда заррача ҳам айб ўйқ, ҳамма айб ўзимда. Мен уларни ёшликларида ёлғиз онаси қўлида қолдириб, кетиб қолганман. Кетма-кет бошқа аёлларга улланиб, ўз ҳолимча яшадим ва фарзандларимнинг ҳолидан хабар олмадим. Уларга оталик меҳрини кўрсатган эмасман. Шу боис, улардан бирор нарса кутишга ҳеч қандай ҳақим йўқ, – деди.

Алқисса, бу одам ўз ҳаётини шундай курган эдик, унинг оқибати кулфатдан ўзга ҳеч нарса эмасди.

Фасллар кексаси қишиғамин кўрмоқ тарки оdat,

Умр фасли кексалик ғамин кўрмоқ асли ҳожат.

Абдулла МАДАЛИЕВ.

“МЕҲНАТ ЕДИРАДИ, ҲУНАР КИЙДИРАДИ”

Қадим замонларда бир кишининг уч ўғли бор экан. Вақти-соати келиб, отасининг қазоси яқинлашгач, болаларини ёнига қайриб, шундай деди:

– Болаларим сизларга қолдира-диган мол-мұлким, тилла-кумушларим йўқ. Фақат иккى оғиз сўзим бор. Шунга амал қылсангизлар, камлик кўрмай, яхши себ, яхши кийиб юрасизлар, дебди.

– Уйқуни шириң қилиб ухланглар, овқатни шириң қилиб ёнгиллар, дебди-да омонатини топшириди.

Бу гапни катта ва ўртанча ўғил бир хил тушунишибди, кенжа ўғли эса бошқа нарсани уқиби. Катта ўғил ҳовлисига сув септириб, дараҳт тагидаги супага қалин жойни тўшаб, вақти-вақти билан ёнбошлаб, отам айтганидай “уйқуни шириң қилиш керак”, деб устма-уст овқатлар қилдириб, “Отам айтганидек овқатни шириң қилиб ейиш шу-да”, дея, турли хил таомлар тановул қилишибиди.

Кенжа ўғил темирчилик ҳунарини ўрганибди. У ишлаб, ҳориб-чарчаб келганда еган қаттиқ нони-ю, ичган суви борган сари ширин татиўвериби, устига-устак давлати зиёда бўлиб кетавериби...

“Меҳнат едиради, ҳунар кийидиради”, дегани шу бўлса керак.

Ҳунари борнинг – давлати бор,

Ҳунари йўқнинг – ҳаёти хор.

“Олтин сандик очилди”дан.

ҚЫС КЕЗИНДЕГИ ҚАУІП ҚАТЕРДЕН САҚТАНУ ЖОЛДАРЫ

Қыстын қантар, ақпан айлары бўрқасынди боранды болып келеди. Қарлы боран қатти аяз-бен қабаттасса аса қын жағдай туындаиды. Ауа-райынын аяқ астынан қубылуы тақ қалдыратын жағдай емес.

Осында қўбылмалы кезенде жолға шықкан жолаушыларды, малышларды табигат қыстакча алып, жолдарды, тўрғун ўйлерди қар басуси сияқты адам өмріне, шаруашылық зиян акеletин төтенше жағдайлардың туындауы мүмкін. Сондайтадан, қыс кезиндеғи ауа-райының қолайсыздығынан төтенше жағдайлардың алдын алу мақсатында көлік қозғалысын шектеу ўшин жолдарды жабу және басқа да тиисті шаралар қабылданып жетади. Алайда халық ауа-райының қолайсыздығына қарамастан жолға шығып кетеди.

Қыс мезгілінде жолға шығар алдында, метеорологиялық мәліметтерді тынданыз, дауылдық ескер-

тидін жоқтығына көз жеткізу қажет. ● егер қыс мезгілінде жолға шығатын болсаңыз жылы киім, азық-тұлғы, тағы басқа да керегі болуы мүмкін заттар мен қамданып алыныз;

● сүкіта алқаголь ішімдігін ішу

зиянды. Ол аз үақыт ішіндекөп жылу шығару арқылы адам бойын жылытады, содан кейін адам тез салқындал, қатты жаурайды.

Құрметті қала тұрғындары және қонақтары! Өр бір адам тетенше жағдай кезіндеғі өз өмрі мен денса

“МИЛЛИЙ МАКТАБ ЛИГАСИ” БОШЛАНДИ

ТУРКИСТОНДА “МИЛЛИЙ МАКТАБ ЛИГАСИ” СПОРТ
МУСОБАҚАСИННИГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ҮТДИ

Пандемия “туфайли тұхта-тилган жамоавиіттік спорт мусобақалари Туркистан шаҳрида изгән түширилмоқда. Тұртта жамоа қатнашады “Миллий мактаб лигаси”нинг саралаш үйинлари түрт күн давом этди. Үнда карантин қоидаларига түлік амал қилинады. Иштирокчиларнинг тана ҳарорати текшириліб, оралик масофа сақланады. Миллий мактаб лигаси доирасыда волейболдан уюштирилған шаҳар саралаш үйинларыни томоша қилишга келген Туркистан вилояты ҳокими Үмирзак Шүкенов үкүвчиларға мұваффақият тилады.



— Фалабага ишончнегер ҳеч қажон сүнмасын. Ҳамиша жисмонан бақываттас, соғлом бўлишга интилинглар. Сизларга мерос бўлиб қолаётган эл берилгина кўз қорачиғидек асрар-авайланлар! Фалабали одимларин-

гиз бардавом бўлсин, — деди вилоят раҳбари.

Миллий мактаб лигаси доирасыда футбол, баскетбол, гандбол, волейбол спорт турларидан үтады мусобақаларга спорт мактабидан мураббий,

касбий мутахассислар бириктірілған. Мусобақа иштирокчиларнинг ўз логотипи, мадхияси мавжуд. Үкүвчилар мусобақага маҳсус автобуслар ташидиди. Саралаш мусобақалари январь ойида ниҳоясига етиб, сўнгра

УАТТЫҚ МЕКТЕП ЛИГАСЫ»
ҚУШЫЛАРЫ АРАСЫНДА ВОЛЕЙБОЛ
ДОЛ, ҚОЛ ДОБЫ, КІШІ ФУТБОЛДАН
ІРІКТЕУ ЖАРЫС



туманларнинг чемпион жамоаси аниқланады.

Мазкур лига мусобақаларида энг кучли спортчи-үкүвчилар қатнашмоқда. Голиб жамоалар вилоят, республика, халқаро мусобақаларда қатнашиб, юрт

шарафини ҳимоя қилади.

Март ойида лига үйинларининг вилоят босқичи уюштирилади.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

ЖАСОРАТ – АМАЛИЙ ИШГА АЙЛАНГАН



КУНИГА МИНГТА ҚЎЛҚОП



Арислик Жадира Дүйсекан кунига 1000 жуфт қўлқоп тикмоқда. Мутахассислиги – мұхандис-конструктор. Ёш тадбиркор талаб катта қурилиш қўлқопларини Қозогистоннинг бир неча шаҳрига жўнатмоқда. Шимкент, Алмати, Атиров шаҳарлари қурувчиларини қўлқоп билан таъминлашга арислик тадбиркор иккى ийл мұқаддам киришган эди.

У давлат дастури доирасыда 505 000 тенге миқдорида қайтаримсиз грант олган. Оиласи билан 2та тикув дастгоҳини харид қилип, иш бошлаган. Бултур «Бизнеснинг йўл харитаси 2021-2025» дастури доирасида инновация грантига эга бўлиб, 4,5 млн. тенге миқдоридаги қайтаримсиз грантига эга бўлди.

Тадбиркор давлат ёрдамидан сўнг оилавий бизнессини иккى баравар кенгайтириш имконига эга бўлди. Жадира түрт одамни иш билан таъминлаган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистан вилоят Фавқулодда вазиятлар департаменти “Ўт ўчириш ва авария-қутқарув ишлари хизмати” давлат идораси 2020 йилда 20529та чақи्रувга чиқкан. Жумладан, гарнizon ҳудудидаги ёнгингларни бартаф этишга – 600 марта (2019 йили – 618та), авария-қутқарув ишларига – 160 марта (2019 йили – 45та), ёнгинг сифатида ҳисобга олинмайдиган ёнгингларга – 3131 марта (2019 йили – 3309 марта).

Ўтган йилда бир марта ёнгинга оид ёлғон чақирив рўйхатга олинди (29.03.2020 йили соат 12:30да) – Қазигурт тумани, Кўкибели қишлоқ округи, Кўкибели аҳоли манзили, Қу-

ралов кўчаси, 16-ўйда газ баллони ёнепти, деган ёлғон хабар берилган.

Жами чақиривларда 65 одам (2019 йили – 21 одам) қутқарилди, 546 одам (2019 йили – 446 одам) хавфсиз жойга кўчирилди. Жумладан, ёнгингларда 7 одам қутқарилди, 69 одам хавфсиз жойга кўчирилди. 13 киши ҳалок бўлса, 14 киши турли ташроҳатлари олган.

Авария-қутқарув ишлари давомида 58 одам қутқарилди, 477 одам эса хавфсиз жойларга кўчирилди.

Маълумки, ўт ўчирувчи – дунёдағы энг хавфли касблардан бири. Одамлар ҳаётини учун курашиш – ҳақиқий мардларга хос иш. Ҳозирги замонда оғир аҳволга тушиб колган одамларга ҳар ким ҳам ёрдам кў-

лини чўзавермайди. Лекин жасорат кўрсатиб, оғир аҳволдаги замондошларимизга ёрдам берәтгандар ҳам оз эмас.

Ҳар куни ўлим билан юзлашадиган ходимларимизнинг иш куроллари соз, тайёргарликлари юқори даражада бўлиши зарур. Улар куннинг ҳар қандай вақтида шай туришлари шарт. Қутқариш, ёрдам бериш, ўзгалар ҳаётини сақлаб қолиши – ходимларимизнинг кундаклик шиорига айланган.

Вилоят аҳолиси ва меҳмонларини ёнгинг хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишга чақираман.

**Мурат АЛИМБАЕВ,
ФВДнинг “Ўт ўчириш ва
авария-қутқарув ишлари
хизмати”раҳбари,
фуқаро мудофааси полковниги.**

“СУВ ЗАХИРАЛАРИ-МАРКЕТИНГ”: “ДИЛЕРГА НАҚД ТЎЛОВ ТАҚИҚЛАНАДИ”

Сув ҳисоблагичларини текшириш ва алмаштириш билан маҳсус лицензияга эга бўлган ихтисослашган корхоналар шуғулланади. Шундай корхоналардан бир – «Водомер» МЧБ, кўрсатган хизмати учун таҳминан 4000 тенге олади. Ушбу қийматга қуйидаги хизматлар киради: иш ҳақи, демонтаж, текшириш, сарфланган материаллар, синов учун сув нархи, мухрлаш, ўрнатиш, ижтимоий солиқ ва транспорт харажатлари. Ҳисоблагични текшириб бўлгач, маҳсус сертификат берилади ва пломбаланади. Бу жараён шундай текширув ишлари билан шуғулланадиган барча ташкилотлар томонидан бажарилиши керак.

Текширув вақтлари тўғрисидаги маълумотлар «Сув захиралари-Маркетинг» МЧБнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимлари базасига маҳсус сертификат тақдим этилгандан сўнг киритилади.

«Сув захиралари-Маркетинг» МЧБ вакиллари фақат сув ҳисобла-

рии участка инспекторлари ва бошқа лицензиясиз шахслар текшириш ишларини олиб боришига руҳсат этилмайди!

«Водомер» МЧБнинг ҳисоби бўйича сув ҳисоблагични алмаштириш баҳоси 9050 тенге. Ушбу миқдор қуйидаги хизматларни ўз ичига олади: мутахассисларнинг иш ҳақи ва мосламанинг нархи, транспорт харажатлари, ўрнатиш ва пломбалаш, ижтимоий солиқ ва умумий маъмурӣ харажатлари. Ҳисоблагични алмаштириш вақти тўғрисидаги маълумотлар «ВРМ» МЧБ базасига ҳисоблагични ўрнатиш сертификати тақдим этилгандан сўнг киритилади.

Эслатма: Сув ҳисоблагични текшириш вақти мосламанинг техник паспортида кўрсатилган, бу ўртача 5 ийлини ташкил этади.

«Сув захиралари-Маркетинг» МЧБ вакиллари фақат сув ҳисобла-

гичини текшириш ёки алмаштириш зарурлиги ҳақида абонентларга хабар беришади, холос. Сув ҳисоблагичлар билан ихтисослашган корхоналарнинг вакиллари шуғулланышади.

Агар сизга бундай ишларни бажаришга ваколати бўлмаган шахслар мурожаат қилиб, ўз хизматларини таклиф қилса, дарҳол бизга хабар беришингизни илтимос қиласмиш.

Шунингдек, биз «Сув захиралари-Маркетинг» абонентларидан кассада ёки тўлов аризалари орқали сув таъминоти ва канализация хизматлари учун ҳақ тўлашларини сўраймиз.

Эслатиб ўтамиш, участкаларда ишлайдиган дилер компания вакилларига нақд тўловларни бериш тақиқланади.

**«Сув захиралари
Маркетинг» МЧБ.**

Директор-Бош мұхаррир — Алишер Соғуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистан, Қентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тұлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚУЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мұхтабар ҰСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкишо — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМНИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистан вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон” вилоят ижтимоий-сийеси газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлариги.

- Маколалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрисиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулларидир.
- Фойдаланилмаган маколаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-й, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 ийл 21 априлда рўйхатга олини, KZ34VPU0022503 гувоннома берилган.

Буюртма:

75.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 13000 нусха.

Бош мұхаррир
Үрингосарлары:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза ҰСМОНОВА.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимкулов кўчаси, 22.

Буюртма:

75.

Навбатчи мұхаррир: Хуршид ҚУЧКОРОВ.